

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAХKAMASINING
QARORI

519 Саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмалар янги конларини очганлик ёки илгари маълум бўлган конларни (конларнинг участкаларини) тубдан қайта баҳолаганлик учун пул мукофотлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмалар янги конларини очганлик ёки илгари маълум бўлган конларни (конларнинг участкаларини) тубдан қайта баҳолаганлик учун пул мукофотлари тўлаш манбаларини аниқлаш, шунингдек республиканинг минерал-хом ашё базасини кенгайтириш бўйича қидирувчи геологларнинг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 11-сон, 66-модда) билан тасдиқланган Саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмалар янги конларини очганлик ёки илгари маълум бўлган конларни (конларнинг участкаларини) тубдан қайта баҳолаганлик учун пул мукофотлари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзларининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 6 октябрь,
283-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 6 октябрдаги 283-сон қарорига
ИЛОВА

Саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмалар янги конларини очганлик ёки илгари маълум бўлган конларни (конларнинг участкаларини) тубдан қайта баҳолаганлик учун пул мукофотлари тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 22-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«22. Фойдали қазилмаларнинг янги конларини очганлик ёки илгари маълум бўлган конларни (кон участкаларини) тубдан қайта баҳолаганлик учун пул мукофотлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида геология-қидирув ишлари учун назарда тутилган маблағлар доирасида Давлат геология қўмитаси томонидан тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига аниқланган углеводород хом ашёсининг янги конларини очганлик ёки илгари маълум бўлган конларни (кон участкаларини) тубдан қайта баҳолаганлик учун пул мукофотлари «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг ўз маблағлари ҳисобига тўланади».

2. Саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмалар янги конларини очганлик ёки илгари маълум бўлган конларни (конларнинг участкаларини) тубдан қайта баҳолаганлик учун пул мукофотлари тўғрисидаги низомга 1-иловада:

«Рангли, нодир ва асл металллар конлари» бўлимининг номи чиқариб ташлансин;

46, 48, 55 ва 59-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.